

Сув хўжалиги корхоналарини молиялаштириш

Режа

1 Норматив-Ҳуқуқий базани такомиллаштириш

**2 Сув хўжалигини бошқариш тизимини
такомиллаштириш**


**3 Сув хўжалиги соҳасига замонавий ахборот-
коммуникация технологияларини жорий этиш**

**4 Кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини ошириш тизимини
такомиллаштириш**

- Мамлакатимизда сув хўжалиги инфраструктурасини бошқариш ҳавза усулида амалга оширилади. Ҳавзавий бошқаришда хусусий секторнинг иштирок этиши учун, айниқса, маҳаллий даражада кўп имкониятлар бор. Ушбу ёндошувни амалга оширишнинг усулларида бири қўшма корхоналар яратиш ва тадбирларни қўшма молиялаштириб, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобланади.

- Суғоришга харажатлар – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш харажатлари структурасида сезиларли элементдир. Сув таъминоти ташкилотлари асосий воситаларининг техник ҳолати ёмонлашуви, сув йўқотишлари ҳажмининг доимий ўсиши ва қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларига сув етказиб бериш хизматларига харажатларнинг юқорилиги аграр ишлаб чиқарувчилар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

- Сув таъминоти инфраструктурасининг техник ҳолатини яхшилаш, уни сақлаш ва ривожлантиришнинг маблағ билан таъминлашда давлат-хусусий шериклиги лойиҳаларини амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга.



Инфраструктуранинг асосий вазифалари қуйидагилар:

- - кўрсатиш бўйича функцияларни бажаришдан босқичма-босқич озод этиш;
- - ишлаб чиқариш ҳажмларини жадал ошириш учун шароит яратиш, маҳсулот сифатини яхшилаш;
- - инсон ресурсларини такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш, аҳолининг муносиб меҳнат ва ҳаёт шароитини яратиш.

Хусусий секторнинг юқори самарадорлигини бир неча асосий сабаблар билан тушунтириш мумкин:

- - кўлам самарасидан фойдаланиш имконияти. Демак, масалан, маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти ҳудудий чегараланган, хусусий сектор эса номарказлаштириш ҳисобига бир неча муниципал тузилмалар аҳолисига хизмат кўрсатиши мумкин, шундай қилиб, ишлаб чиқариш масшаби эвазига харажатларни тежашга эришади;
- - давлат секторида мавжуд бўлмаган рағбатлантириш ва санкциялар тизимидан фойдаланиш. Банкротлик ваҳимаси ва фойдани максималлаштиришга интилиш хусусий сектор учун қудратли рағбатлантиргич ҳисобланади;
- - ўта мослашувчанлик. Хусусий сектор ўзгараётган бозор шароитларига тез муносабатини билдириши ва уларга мослашиши мумкин, шу вақтнинг ўзида давлат секторида ортиқча бюрократия ва ҳаракатчанлик йўқлиги қандайдир қарор бўлсада қабул қилишда сансалорликка олиб келади;
- - технологиялар соҳасида устунлик. Амалий тадқиқотлар, технологик кашфиётлар кўпинча хусусий корхоналарнинг обрўси ҳисобланади.

ЖАМИЯТ (МУНИЦИПАЛИТЕТ) ИНСТИТУТЛАРИ ВА ХУСУСИЙ СЕКТОР БОШҚАРУВ МАЛАКАЛАРИНИ БИРЛАШТИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН ШЕРИКЛИК ЯРАТИЛГАНДА САМАРАЛИ БЎЛИШИ

- - лойиҳа фақат маҳаллий ҳокимият органлари томонидан молиялаштирилиши ва профессионал ваколоти ҳисобидан амалга оширилиши мумкин эмас;
- - хусусий шерик иштироки билан хизмат сифати ва даражаси, уларни маҳаллий ҳокимият органлари мустақил кўрсатганига қараганда юқори бўлади;
- - хусусий шерикнинг иштирок этиши лойиҳани ёки хизматларни амалга ошириш муддатларини қисқартиришга имкон беради;
- - хизматдан фойдаланувчилар хусусий шерикни жалб этиш тарафдорлари ҳисобланади;
- - потенциал хусусий шериклар ўртасида рақобат қилиш имконияти мавжудлиги;

- - мазкур соҳада хизматларни таъминлаш ёки лойиҳани амалга ошириш учун хусусий шерикни жалб этишга меъёрий ёки қонуний тақиқлар йўқ;
- - фаолият натижалари осон ўлчанади ва баҳоланади;
- - лойиҳани ёки ишларни амалга ошириш харажатлари белгиланган ҳақ эвазига истеъмолчи томонидан қопланиши мумкин;
- - лойиҳа ёки ишларни амалга ошириш инновация жараёнини фаоллаштиришга имкон беради;
- - маҳаллий ҳокимият органлари ва хусусий сектор ўртасида шерикликнинг ижобий тажрибаси мавжуд.

Давлат-хусусий шерикчилиги шакллари характеристикаси

ДХШ шакллари	Активларга мулкчилик	Эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш	Капитал қўйилмалар	Тижорат risks	Муддат	Шартнома тури
Хизмат кўрсатишга контракт (аутсорсинг)	Давлат	Давлат ва хусусий сектор	Давлат сектори	Давлат сектори	1-2 йил	Хизмат кўрсатишга контракт
Бошқаришга контракт (менеджмент-контракт)	Давлат	Хусусий сектор	Давлат сектори	Давлат сектори	3-5 йил	Бошқаришга контракт
Лизинг (Ижарага бериш)	Давлат	Хусусий сектор	Давлат сектори	Жамоавий	Шартнома бўйича (8-15 йил)	Лизинг (ижара) шартномаси
Маҳсулот тақсимо-ти тўғрисида битим	Хусусий ва давлат	Хусусий сектор	Хусусий сектор	Хусусий сектор	20-30 йил	Маҳсулот тақсимо-ти тўғрисида битим
Концессия (мавжуд сув тармоғи)	Давлат, кейин хусусий	Хусусий сектор	Хусусий сектор	Хусусий сектор	25-30 йил	Концессия тўғрисида шартнома
Қўшма корхона	Давлат ва хусусий сектор	Давлат ва хусусий сектор	Давлат ва хусусий секторлари	Давлат ва хусусий секторлари	Чекланмаган	Устав

2022 йил охиригача Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги раҳбарияти фаолиятининг қуйидаги устувор йўналишлари ва самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари белгилансин:

- 2020 йилдан бошлаб сув хўжалиги ташкилотларининг сув етказиб бериш бўйича харажатларининг бир қисмини сув истеъмолчилари томонидан қоплаш механизмларини босқичма-босқич жорий этиш;
- сув хўжалиги соҳасидаги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар, қарзлар ва грантлар жалб қилишни кенгайтириш орқали сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш харажатларининг жами ҳажмидаги бюджет маблағлари улушини босқичма-босқич камайтириш;
- сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига фаол кўмаклашиш, замонавий суғориш тизимларини ишлаб чиқариш қувватларини хусусий инвестициялар жалб қилиш ҳисобига кенгайтириш орқали сув тежовчи технологияларни қўллаган ҳолда суғориладиган ерларнинг улушини суғориладиган ерлар умумий майдонининг камида 10 фоизигача етказиш;

Сув хўжалигида инвестициялар қаерга йўналтирилади

- сув хўжалигини инновацион ривожлантириш, илмий ишланмалар натижаларини, сув хўжалигини бошқариш ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланишнинг илғор усулларини амалиётга фаол жорий этиш;
- замонавий технологияларни қўллаган ҳолда сув хўжалигининг суғориш тизимларини модернизация, реконструкция қилиш ва таъмирлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали суғориш тизимларининг фойдали иш коэффицентини ҳар йили республика бўйича ўртача камида 1 фоизга ошириш;
- энергия тежовчи ва энергия самарадор технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, насос станциялари иш режимини тартибга солишнинг самарали усулларини жорий этиш ҳисобига сув хўжалиги объектларида электр энергияси истеъмолини камида 10 фоизга қисқартириш;
- сув-туз балансини юритиш механизмларини такомиллаштириш, ер ости сувларини меъёрда ушлаб туриш, шунингдек, мелиорация ишлари самарадорлигини ошириш орқали шўрланган ер майдонлари улушини 45 фоизгача камайтириш;
- сув хўжалиги объектларини бошқариш ва улардан фойдаланиш жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига 300 та сув хўжалиги иншооти ва гидроузелда сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш;
- сув истеъмолчилари уюшмаларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги ролини ошириш, шунингдек, улар фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлашга кўмаклашиш орқали сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини тубдан ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

- сув хўжалиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган лойиҳаларни шакллантириш ва ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни, шу жумладан хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилиш орқали амалга ошириш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигини (кейинги ўринларда — Лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги) ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Ўзсувқурилиштаъминот» республика бирлашмаси (кейинги ўринларда — «Ўзсувқурилиштаъминот» республика бирлашмаси) негизида «Ўзсувқурилиш» акциядорлик жамиятини (кейинги ўринларда — «Ўзсувқурилиш» АЖ) ташкил этиш, шунингдек, 1-иловага мувофиқ «Ўзсувқурилиштаъминот» республика бирлашмаси таркибига кирувчи давлат унитар корхоналарини масъулияти чекланган жамиятларга айлантириш;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ
**СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**
2019 йил 9 октябрь, ПҚ-4486-сон

- Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимининг штатлар сонини мазкур қарорга мувофиқ мақбуллаштиришдан бўшайдиган маблағлар Сув хўжалиги вазирлиги идора ва ташкилотлари ходимларининг базавий тариф ставкаларига 2019 йил 1 ноябрдан 1,1 ва 2020 йил 1 январдан 1,2 миқдорда тузатиш коэффициентини қўллаш ҳисобига уларнинг иш ҳақини оширишга йўналтирилади.

Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин 2020 йил 1 январдан:

- халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилган ҳолда сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича янгидан амалга ошириладиган лойиҳаларга кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш бўйича махсус компонент киритиш;
- илмий ва илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш мақсадида сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари қийматининг ҳисоб-китобида лойиҳа-қидирув ишлари умумий қийматининг 10 фоизигача миқдорда қўшимча маблағлар киритиш амалиётга мажбурий жорий этилсин.

Норматив-Ҳуқуқий базани такомиллаштириш

- **Сув ресурсларини бошқариш соҳасида халқаро экспертлар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда 2020 — 2030 йилларда сув хўжалигини ривожлантириш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.**
- **«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш**

- Сув истеъмолчилари уюшмаларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги намунавий йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.
- Сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш тартибини, шу жумладан иқтисодиёт тармоқларида сув ресурсларидан фойдаланиш талабларини такомиллаштириш

- Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги бюджет ташкилотларига товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатларнинг ўрни тўлдирилгандан кейин **Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг қолган маблағларини** (ҳомийлик ёрдами, беғараз ёрдам миқдори бундан мустасно):
 - 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда — моддий-техник базани мустаҳкамлашга;
 - 50 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда — ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфлашга рухсат бериш.

Сув хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштириш

- Истеъмом қилинаётган ресурсларнинг нооқилона йўқотилишларини бартараф этиш ҳисобига **энергия истеъмолини қисқартириш мақсадида насос станцияларини энергетика текширувидан (энергия аудити) ўтказиш чораларини кўриш;**
- Бугунги кун ҳолатини ва замонавий технологиялар жорий этилиши жараёнларини инобатга олган ҳолда **Насос станцияларидан техник жиҳатдан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиш**

- **Насос станцияларида энергия тежовчи (реактив қувват компенсацияси, частотали ўзгартиргичлар орқали бошқариш, двигателни бир текис ишга тушириш, ёруғликдиод лампаларини ўрнатиш ва ҳ.к.) қурилмаларни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.**
- **Хусусий секторга давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқариш учун бериладиган насос станциялари, шунингдек, стратегик ва муҳим аҳамиятга эга бўлмаган ирригация объектларининг рўйхатини шакллантириш**

Сув хўжалиги соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш

- **Халқаро ва хорижий ташкилотларнинг грант маблағларини жалб қилиш, улар ҳисобига 2019-2020 йилларда камида 150 та сув хўжалиги иншооти ва гидроузелларини реал вақт режимида сувни назорат қилувчи ва ўлчовчи, шу жумладан сув хўжалиги объектларида сувдан фойдаланиш бўйича ахборот йиғадиган замонавий автоматлаштирилган тизимлар билан жиҳозлаш.**
- **автоматлаштирилган тизимлар (ГАТ-технологиялари)ни жорий этган ҳолда, камида 2 000 та сув омборларидаги пьезометр ва кузатув қудуқларини реконструкция қилиш.**

Сув хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш

- **Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатишни ташкил этиш ҳамда молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб**

Кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш

- Қуйи тузилмалар, шу жумладан сув истеъмолчилари уюшмалари ходимлари учун амалий ўқув курсларни ташкил этиш.**
- Сув тежовчи суғориш технологияларидан фойдаланишга, шу жумладан томчилатиб, ёмғирлатиб ва бошқа турдаги суғориш тизимларини қуриш, ишлатиш ва уларга техник хизмат кўрсатишга ўқитиш бўйича ўқув дастурлари, модуллар ва материалларни ишлаб чиқиш,**

- Сув хўжалиги мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг профессионал даражасини ошириш бўйича амалий семинарлар, тренинглар ва ўқув курсларини ташкил қилиш, шунингдек, уларнинг ишлаб чиқариш амалиётини чет элда ўтказиши учун халқаро дастурлар ва жамғармаларнинг грантларини жалб қилиш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш;

Эътиборингиз учун раҳмат!